

ШАРТНОМА № 21

(Мактабгача таълим ташкилотларини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича)

2022 йил 6 январь

Ёзёвон тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома "ESONOV JAXONGIR ABDULVOXOBOVICH" ЯТТ (кейинги ўринларда «сотувчи» деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Ж.Эҳсонов бир томондан ва иккинчи томондан Ёзёвон туман Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда «сотиб олувчи» деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Х.Саримсақова номидан мазкур шартномани туздилар.

1. Шартноманинг предмети.

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган мазкур товар (маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, сотиб олувчи эса товар (маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товарларнинг номи, миқдори, сифати ва нархи мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ аниқланади.

№	Маҳсулот номи	Ў.Б	миқдори	нархи	сумма
1	Товук гўшти	кг	645	30000	19350000
	Жами				19350000

2. Тўлов шартлари.

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 19350000 (Ўн тўққиз миллион уч юзи эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 30 фоизни ташкил қилади ва қолган 70 фоиз қисмини товар (маҳсулот) етказиб берилганидан сўнг 90 кун муддат ичида тўлов амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда шартнома тузилган вақтда ҳудуддаги ўртача бозор нархлари деҳқон бозори маълумотлари ўртача нархи асос қилиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган озик-овқат маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «сотувчи»томонидан қопланади.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. Маҳсулот етказиб бериш.

3.1 «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товар (маҳсулот)ни 1 ой муддат ичида талабномага асосан «харидор» белгиланган манзилдаги ташкилотларга етказиб бериши шарт.

4. Тарафларнинг мажбуриятлари.

4.1 Таъминотчи товарларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан таъминланиши юзасидан жавоб бериш: товар етказиб берувчи ва товар харид қилувчи бюджет ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ҳар ойда тақдим қилинадиган товар маҳсулотлари нархи асосида сотиш ва харид қилишга келишилди.

5. Сотувчининг мажбуриятлари:

5.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда сотиб олувчига ўз вақтида «харидор» томонидан юборилган вакилга ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган ҳамда муҳр билан тасдиқланган ишонч қоғози асосида топширади.

5.2. «Сотувчи» «харидор»га унинг ишонч қоғозидида қайд қилинган маҳсулотларни беради. Агар «сотувчи» томонидан «харидор»нинг ишонч қоғозидида кўрсатилмаган маҳсулотларни ишонч қоғозидида белгиланган миқдоридан ортиқ берган ҳолларда, бу маҳсулотлар учун «харидор» томонидан ҳақ тўланмайди.

5.3. «Сотувчи» ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади ҳамда маҳсулотларни ташкилот қошида белгиланган таркибда тузилган сифат комиссияси далолатномаси ва эҳтиёж тақсимотига асосан мактабгача таълим ташкилотларига етказиб беради.

5.4. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши, бунда маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена

сертификати, гўшт маҳсулотлари учун ветеринария хулосаси ва х.к.з) ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни жойларга етказиб берилишини кафолатлайди.

5.5. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб, 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

5.6. «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

5.7. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

6. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

6.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

6.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

6.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлайди.

7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

7.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

7.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

8. Тарафларнинг жавобгарлиги

8.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

8.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

8.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматини, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

8.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдориди, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

8.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

8.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати.

9.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 6 » январ дан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

9.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин томонларнинг келишувига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда форс-мажор ҳолатларида.

10. Низоларни ҳал қилиш.

10.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

10.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан туманлараро иқтисодиёт суди тартибида ҳал қилинади.

10.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иқтисодий судида ҳал қилинади.

11. Форс-мажор ҳолатлари.

11.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

11.2. Мазкур шартнома бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

12. Бошқа шартлар.

12.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

12.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

12.3. Шартнома юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса асосида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тарафлар томонидан имзолангач ва Ёзёвон туман ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради. Агар ушбу шартнома 30 иш куни ичида туман Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилмаса, шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

13.4. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.

13.5. Мазкур шартномани бекор қилинишига, тўхтатилишига асос амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Сотувчи»

«Харидор»

"ESONOV JAXONGIR ABDULVOXOBOVICH" ЯТТ Ёзёвон туман мактабгача таълим бўлими Манзил: Ёзёвон тумани

Манзил: Ёзёвон туман Андижон кўчаси

Х/Р: 2021800000951412001

Ш/ХР: 400722860302427091100251025

СТИР: 601711348

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 305152725

МФО: 00805

ОКОНХ: 92400

ОКОНХ: 71150

Молия вазирлиги Ғазначилиги бўлинмаси

Банк номи: Халк банк АТБ Ёзёвон

Ғазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент

ХККМ МФО:00014 Ғазначилик бўлинмаси

СТИР: 601122919



Раҳбар

Ж.Эхсонов

М.Ў.



Раҳбар

Х.Саримсақова

М.Ў.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
TALABLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ JV4077848131

- 1. Loyi haning turi:** 06.01.2022 yildagi 21-sonli shartnoma.
- 2. Loyi haning nomi:** Tuman maktabgacha ta'lim tashkilotini oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash to'g'risida.
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:**
Yozyovon tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 6 yanvar kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 19 yanvar kuni "E-huquqshunos" elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.
- 4. Loyiha bo'yicha taklif:**
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



A.A.Gulamov
19.01.2022